

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!

Мустақиллик йўли – шараф ва машаққатларга тўла зафар йўлидир. Бу йўлнинг шонли ибтидоси ва буюк истиқболи бор! Бинобарин, она Ўзбекистонимиз ўзининг 27 йиллик мустақил тараққиёт йўлида қатъият билан одимлаб, халқимизнинг ҳаёт сифати ва турмуш даражаси яхшиланиб, онгу тафаккури юксалиб, халқро майдонда обрў-этибори ошиб бораётгани барчамизга катта фахр-ифтихор етказди.

«Энг улуғ, энг азиз»

БУ ЮРТНИНГ ҲАР МУШКУЛИ СИЗУ БИЗГА ТАНМАСМИ,  
ЎЗБЕКИСТОН – ЖОН ҚАДАР СҮЙГҮДАЙ ВАТАНМАСМИ?!

Бугун она диёримизнинг ҳар гўшасида энг улуғ, энг азиз байрамимиз шукуҳи ҳукмрон. Халқимиз ўзининг асрий орзу-сиға эришган кун – мустақиллик байрамини "Азиз ва яго-

намансан, жонажон Ўзбекистоним!" деган эзгу асосида, кўтаринки кайфият ва шоду хуррамлик билан тантана қилишга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Жойларда қутлуг

сана муносабати билан аллақачон бошланиб кетган шодиёналар қалбларга олам-олам завқ, шукроналик саодатини солмоқда.

Ҳар йили мамлакатимиз мустақиллик байрами нишонланадиган кезларда, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлини тараннум этиб келаётган ижодкорларимиз ўртасида "Энг улуғ, энг азиз" танловини ўтказиш яхши анъанага айланган. Зотан, бунинг ўзига хос рамзий маъносига бор. Халқимизни, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, мустақиллик гоёларига садоқат руҳида



тарбиялашда, Истиқлолнинг 27 йиллик мунаввар паллаларида халқимиз эришган ва эришаётган оламшумул ютуқларни бутун жаҳон афкор оммасига етказишда давлатимиз, энг аввало, ижод аҳлининг журъдига, истеъдод ва маҳоратига таянади.

Президентимизнинг "Ўзбе-

кистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур танлов бу йил вилоятимизда ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда, муносиб тўғралар билан ўтди.

Давоми 4-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг  
ФАРМОНИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ  
НИШОНЛАШ  
ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, муқаддас ислом динининг эзгу гоёларини яққол ифода этадиган қадимий байрамимиз Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш, жамиятимизда инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак фазилатларни камол топтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 21 август сешанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги "2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-5290-сон Фармонида мувофиқ 2018 йил 21-23 август кунлари – Қурбон ҳайитининг биринчи уч куни мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Қурбон ҳайитининг жойларда юқори савияда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги "2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-5290-сон Фармони 2-бандининг олтинчи хатбошисиди "24 август – жумага" сўзлари "22 август – чоршанбага" сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 15 август

Тошкент вилояти ҳокимининг  
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Баходир Маджитович Ахмедов 2018 йил 10 августдан эгалаб турган лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу қарор Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими Ф. ИБРАГИМОВ

Нурафшон шаҳри  
2018 йил, 10 август

Тошкент вилояти ҳокимининг  
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига Одилжон Патихджонович Тажиев 2018 йил 11 августдан тайинлансин.

2. Ушбу қарор Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими Ф. ИБРАГИМОВ

Нурафшон шаҳри  
2018 йил, 10 август

Сайлов қонунчилиги:  
ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН  
ТАМОЙИЛЛАР

Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида сайлов қонунларини битта яхлит унификация қилинган кодекс қилиб яратиш кераклиги ҳақида асосли мулоҳазалар билдирилган эди.

Кеча Олмалик шаҳридаги "Металлург" маданият марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давоми 2-бетда ➡

Халқимизнинг ўзига хос, олижаноб қадриятлари жуда кўп. Ҳашар – ана шундай эзгу удумлардан биридир. Мустақиллигимизнинг қутлуг тўйини ва Қурбон ҳайитини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган меҳр-оқибат, ҳамжихатлиқни янада кучайтириш, юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш, янги боғу гулзорлар яратиш, ёшлар қалбида юксак инсоний туйғуларни ка-

Умумхалқ ҳашари кунлари аҳоли, айниқса, ёшлар онгига "Ободлик кўнгилдан бошланади", деган эзгу гоёни сингдириш, ўз уйи, маҳалласи, ўқиш ва иш жойини тоза ва озода сақлаш, обод бўлишига баҳоли қудрат ҳисса қўиш, бу жараёнларда маҳалладошлар, корхона ва ташкилотлар ишчи ходимлари, ёшларнинг уюшган ҳолда жамоа бўлиб, ўз ихтиёрлари билан иштирок этишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳашар кунлари маҳаллалар, кўп қаватли уйлар, гузару хиёбонлар, ҳовли-кўчалар, гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, муқад-

## ЭЛИМИЗГА ЯРАШГАН ЭЗГУ ҚАДРИЯТ

Бугун мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари бошланди



дас қадамжоларни тартибга келтиришга ҳар биримиз қалб даввати ила, ҳамжихатликда, уюшқоқлик билан ҳаракат қилишимиз керак. Шунингдек, азалий удумларимиз, яъни йиқилганни суяш, муҳтож-

ларга қўмак бериш, кекса, ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга мурувват ёрдамларини кўрсатиш каби умуминсоний бурчимизни ҳам унутмасли-

гимиз жоиз. Зеро, бир кўнгли яримнинг қалбига йўл топиш Қазбани обод қилиш билан баробар савобли иш, дейдилар.

Икки кун мобайнида мазкур тадбирни вилоятимизда ҳам уюш-

қоқлик билан ўтказиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан катта ҳозирлик кўрилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгашидан маълум қилишларига, ҳашарда вилоятимизнинг 930 мингдан зиёд аҳолиси қатнашиши кўзда тутилмоқда. Шундан 620 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этади.

Давоми 2-бетда ➡

Дориламон кунлар гурунги

Руфат РИСКЬЕВ – дунё бокси тарихидан жой олган спортчи. Ўз фаолияти давомида у 189 та жанг ўтказиб, 174 тасини ғалаба билан якунлаган. Руфат Рискьев 1974 йилда Жаҳон чемпиони, 1976 йили Монреаль Олимпиадаси кумуш медали соғирдорди, қатор халқро турнирлар қолиби, Куба очиқ чемпионатининг икки карра чемпиони бўлган.

Унинг ўзига хос жанг услуби бор эди. Ҳар иккала қўли билан ҳам аниқ зарба берарди,

аксарият жангларда муддатидан илгари ғалаба қозонарди.

Катта спортдан кетгач, Руфат Рискьев ҳаётнинг кўп гирдобларига тушди, мустаҳкам иродаси туфайли ҳар доим ўзини ўнглаб олди. 2016 йилнинг сентябрь ойида машҳур боксчизимнинг бошига яна бир огир синов тушди. Веналар тромбозининг оғирлашиши туфайли ўнг оёғининг тиззадан пасти кесиб ташланди...

## ЮРТ ШАЪНИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ЭНГ КАТТА БАХТ

– Руфат ака, сизни элимиз, бокс муҳлислари бетакорр жангларида, кучли зарбаларингиз, ишончли ғалабаларингизни ҳали ҳануз фахрланиб эслашди. Келинг, суҳбатимиз аввалида боксга кириб келишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Болалигим пойтахтимизнинг Навоий кўчасида ўтган. Ўртоқларим билан вақт топила-са бас, роса футбол ўйнардик.

Аваллига енгил атлетика тўғра-раига қатнашиб юрдим. Ушанда ўн бир ёш эдим. Бир кун бокс тўғрага ҳақида эшитиб, бормоқчи бўлдим. Тўғаракка қатнашаётган болалар қизиқи-шимни билиб, бокс мураббийи жуда қаттиққўл, машқларни бажара олмасанг, уради, деди. Бу гапларга ҳеч эътибор берма-дим, барибир тўғаракка бор-дим.

Мен бокс алифбосини устозим Сидней Жексондан олганман. Кейин Алексей Барановга, ундан сўнг Борис Гранаткинга шогирд бўлдим. Улардан миннатдорман.

– Бугунги ёшларни "Тошкент-лик йўлбарс" деган номга қандай сазовор бўлганингиз қизиқтири-ши табиий...

– Мен 1972 йил Олимпиадага боришим керак эди. Москвалик Слава Лемешев бўларди. Ёш



бола эди. 19 ёшида олимпия чемпиони бўлиб келганди. Шунинг учун ҳамма мусобақаларга уни танлашарди. У вақтлар собиқ Иттифок бокс федерациясидаги-лар тарафқашлик қилиб, ўзлари-га тегишли боксчиларни мусоба-қаларга олиб чиқишарди. 1974 йилга келиб, ўз вазнимда 4 на-фар Европа чемпионини енгган-ман. Улар Тарасенко, Лемешев, Климанов, Юоцавичус эди. Фе-дерациянинг мутасадди мураб-бийларидан бири: "Сен қандай қилиб уларни енгдинг, бунга ишонмайман", – деди. Ана шун-дан кейин улар иккилана-иккила-на мени Куба пойтахти Гаванада

ўтказилган ҳаваскор боксчилар-нинг илк жаҳон чемпионатида юборишди. Мен у ердан че-мпион бўлиб қайтдим. Ушанда би-ринчи жангимнинг 3-раундида рақибимни нокаут қилганман. Жанг тугаши билан бокс ишчи-бозлари орасида "Тошкентлик йўлбарс" деган хайқириқлар кўта-рилди. Кейинчалик қаерга мусо-бақага бормай, мени ана шу ном билан атайдиган бўлишди. Бироқ чемпионлик менга жуда қиммат-га тушган, саломатлигимни йўқо-тиб, жанг пайти қўл суяқларим-нинг олти жойи синган.

Давоми 4-бетда ➡

## Хотин-қизлар кўмитасида

**Қибрай туманида хотин-қизларга яна бир қулайлик – “Аёллар ижтимоий мослашув маслаҳат маркази” ташкил этилди.**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси давлатимиз раҳбарининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш, шу орқали улар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш чораларини кўрмоқда.

Шу мақсадда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда вилоятимизнинг Қибрай туманидаги 85 та маҳалла ҳаёти, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит ўрганилиб, муаммолар чуқур таҳлил қилинган. Оғир турмуш шароитида яшаётган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш учун уларни уй-жой, иш билан таъминлаш босқичма-босқич амалга ошириладиган бўлди.

Лекин, ҳар бир аёл ҳам ҳаётда ўз бахтини, ўрнини топиб кетолмайдиган. Билиб-билмай хатога йўл қўйиб, жиноятга қўл урган ёки ўз

мақсадида туман марказий кўп тармоқли поликлиникасида “Аёллар ижтимоий мослашув маслаҳат маркази” ташкил этилди.

Унинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева Қибрайнинг бағрикенг, меҳнатсевар ахли, фидойи аёллари фаолиятига тўхталар экан,

ҳан тушқунликка тушган аёлларга тўғри йўл-йўриқ, маслаҳат бериш, ҳаётда ўз ўрнини топишлариغا кўмаклашишдир, – деди Т. Норбоева. – Эътиборлиси, марказда юксак билим, катта ҳаётий тажрибага эга онахонлар, психолог, тиббиёт ходими,

ҳозланган алоҳида хоналар билан яқиндан танишиб, у ердаги қулайликларни эътироф этишди.

– Мен шу ҳудуддаги маҳалалардан бирида яшайман, – дейди Гулбахор Таженова. – Икки фарзандим бор. Ҳозир уйда, бола тарбияси билан

лари раислари, мутахассислари иштирокида ўтказилган йиғилишда республика ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси раислари сўзга чиқиб, хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, соғлом турмуш тарзини



## ҚАДДИНГНИ ТИК ТУТ АЁЛ, АЛАМЛАРИНГ ЮТ, АЁЛ...



Президентимизнинг хотин-қизларга қаратаётган катта эътибори, ишончи ва бунга муносиб бўлиш саодати ҳақида тўлқинланиб гапирди.

– Марказнинг асосий вазифаларидан бири – муаммолар гирдобиди қолиб, ру-

ҳуқуқшунос каби мутахассислар ҳар бир мурожаатчи аёлга самимий маслаҳат беради, қўллаб-қувватлайди.

Тадбир давомида меҳмонлар марказда ташкил этилган аёллар маслаҳатхонаси, оналар ва болалар учун жи-

машгулман. Баъзан бир оғиз илиқ сўзга муҳтож бўлиб қоламан. Марказдаги шароитлар мени ҳам, фарзандларимни ҳам руҳлантирди. Яхши сўз – жон озиғи, дейишди-ку!

Шунингдек, вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар кўмитаси

шакллантириш, оилавий ажримларга барҳам бериш, энг муҳими, ўз жонига қасд қилишларнинг олдини олиш, ҳар бир аёл қалбидида оиласи ва жамиятга керакли эканлигига ишонч туйғусини уйғотиш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган шундай марказлар барча ҳудудларда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлашди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**  
“Тошкент ҳақиқати”  
мухбири  
Равшан МИРЗАҚУЛОВ  
олган суратлар

## Сарҳисоб

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг жорий йил бошидан бери амалга оширган ишлари сарҳисобига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

## ФОНДНИНГ ХАЙРЛИ РЕЖАЛАРИ

Очиқ ва самимий руҳда ўтган тадбирда фонд директори Саид Абдулазиз Юсупов кун тартибидидаги масала юзасидан ахборот берди ва келгусидаги режалар билан ўртоқлашди.

Қайд этилганидек, муассаса томонидан марказий, ҳудудий босма ОАВ журналистлари ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари раҳбарлари билан ҳамкорликда 18 та йирик тадбир, 12 та анжуман ва яна шунча медиа-тур ташкил этилиб, уларга 1000 нафардан ортиқ иштирокчилар қамраб олинди.

– Энг катта ютуқларимиздан бири Туркия Республикаси Кастамону давлат университети билан ўзаро ҳамкорлик келишувига эришганимиз бўлди, – деди С. Юсупов. – Унга қўра, ҳар йили медиа йўналишда 10 нафар талаба мазкур хорижий олий-гоҳнинг магистратура ва докторантура босқичига бепул ва имтихонсиз қабул қилиниши кўзда тутилган. Бундан ташқари, йилига 2 маротаба халқаро мутахассислар иштирокида ташкил этиладиган тренингда журналистларимиз ҳам қатнашиб, ўз малака ва билимларини янада оширишларини мақсад қилганмиз. Айни пайтда, АҚШнинг Мичиган университети билан ҳам ҳудди шу масалаларда музокаралар олиб бораёмиз. Насиб бўлса, яқин орада ҳамкорлик меморандумини ҳам имзолашга эришамиз.

Шунингдек, фонд Туркия матбуоти билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйган. Юртимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, изчил ислохотлар ҳамда маънавий-маданий ҳаётимизга оид 40 дан зиёд мақолалар хорижий давлат матбуотида чоп этиб борилади.

Бундан ташқари, фонднинг халқаро нуфузли ташкилотлар билан алоқалари мунтазам фаоллашиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг май ойида ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликка доир яна бир ҳужжат имзоланишга эришилди. Келгусида эса, ЕХҲТ билан ҳам ҳудди шундай алоқаларни ўрнатиш режалаштирилган.

Учрашув сўнгиди журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз

## Сайлов қонунчилиги:

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлар, ОАВ ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Мулоқотда сўз олган Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдулсаломов сайлов қонунчилиги мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутиши ҳақида фикр билдирар экан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикр-



лардан келиб чиққан ҳолда, етук мутахассислар иштирокида амалдаги тажрибалар асосида сайлов кодексини лойиҳаси ишлаб чиқилганлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Шундан сўнг, янги лойиҳанинг тақдиротига ўрин берилди. Тақдиротда сўзга чиққанлар сайлов кодексининг аҳамияти, унинг муҳим жиҳатлари, сайлов қонунчилигига кiritилаётган янги қоидалар ҳақида атрофлича

маълумот беришди.

Мазкур янги кодекс лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий



**Эрвали НОРБЕКОВ,**  
“Тошкент ҳақиқати”  
мухбири  
Мансур ХИММАТОВ  
олган суратлар

## 29 янги бино фойдаланишга топширилади

Тошкент вилоятида ҳам энг улуг, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги зўр тараддуд, муносиб тўғфалар билан қарши олинмоқда.



Юртимиз бўйлаб байрам шукҳи кезиб юрган шу кунларда Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун замонавий бинолар барпо этилиб, фойдаланишга топширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Зангиота тумани кенгаши ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими биносининг фойдаланишга топширилиши ҳам туман ахли учун муносиб байрам тўғфаси бўлди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ва туман маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимиз ташаббуси билан маҳалла тизimini такомиллаштиришга қаратиладиган

алоҳида эътибор туфайли бугун маҳалла халқининг чи-накам маслаҳдоши ва кўмакдошига айланаётгани, жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўзаро низолашганларни мurosага келтириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ортиб бораётгани таъкидланди.

– Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги фармони билан жорий йил 1 декабрга қадар вилоят, туман ва шаҳар марказларида “Маҳалла маркази” мажмуаларини, 2021



Истиқлол иншоотлари

йилнинг 1 декабрига қадар эса фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар асосида қуриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш белгиланган, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ижрочи директори Анвар Умаров. – Шунга мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрамига тўғфа сифатида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Нурафшон ва Охангарон шаҳарлари,

Бўка, Зангиота, Оққўрғон, Охангарон, Қуйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманлари кенгашлари ҳамда 21 маҳалла фуқаролар йиғини, жами 29 бинони фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Маълумотларга қўра, мазкур фармон ижроси юзасидан жорий йил 1 сентябрига қадар яна 58 та ўзини ўзи бошқариш органлари биноси мукаммал ва жорий таъмирланиб, фойдаланишга топширилади.

**А. Худойқулов,**  
ЎЗА мухбири

## ЭЛИМИЗГА ЯРАШГАН ЭЗГУ ҚАДРИЯТ

5 мингдан зиёд майдонни ободонлаштириш, 614 та қабристон, 29 та зиёратгоҳни тартибга келтириш ва таъмирлаш кўзда тутилган. Ободонлаштирилган манзиллардан 6 минг тонна маийий чиқинди олиб чиқилади. Бу ишларга 800 га яқин техника жалб этилади. Ҳашар кунлари 450 дан зиёд эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, яна бир қатор оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мўлжалланган.

Анъанага қўра, вилоятимиздаги бошқармалар, корхона, ташкилот, муассаса ва идораларда меҳнат

Бошланғич 1-бета

қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақлари миқдоридидаги маблағ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарувининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ҳашардан тушган маблағлар аҳолининг эҳтиёжманд қатлами – ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганларга, Саховат ва Муравват уйларида моддий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилади.

Мустақиллигимизнинг 27 йиллик байрами ва Қурбон ҳайити олдида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида фаол қатнашайлик!

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг ҳисоб рақами:

х/р: 20212000800132942001

АТБ “Агробанк” Ўрта Чирчиқ филиали

МФО: 00475, ИНН 200548395, ОКОНХ: 98600

## ОБОДЛИК – КҮНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Уюшқоқлик, показалик ва меҳр-оқибат рамзи бўлган ҳашар халқимизнинг минг йиллар оша қадрланиб келинаётган азалий удумларидан бири саналади. Юртимизда турли байрамлар, муборак саналар олдида умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш яхши анъанага айланган.

## Эзгулик

Нурафшонлик ёшлар ҳашар кунини кутиб ўтирмасдан уни аллақачон бошлаб юборишди. Мазкур хайрли иш Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши ташаббуси билан “Ободлик – кўнгилдан бошланади” шiori остида ташкил этилди. Унда Миллий гвардия вилоят бўлимининг бошланғич ташкилоти аъзолари, сардорлар, етакчилар ҳамда фаол ва уюшмаган ёшлар иштирок этишди.

Ҳашарга 70 га яқин ёшлар жалб қилиниб, “Ахтам Саҳоба” зиёратгоҳи, ҳудуддаги қабристон ободонлаштирилди. Даратлар оқлиб, ариқлар тозаланди.

– Биз бугун хайрли ишда қатнашиб, кексалар дусини олдик, – дейди Нурафшон шаҳар “Кама-

лак” болалар ташкилоти раҳбари Исро Каримов. – Шунингдек, зиёратгоҳимиз ҳақида қимматли маълумотларга ҳам эга бўлдик. Эндиликда, республикамиз бўйлаб ўтказилаётган умумхалқ ҳашарида ҳам фаол қатнашиб, шахримиз ободлигига ўз ҳиссамизни қўшишни ният қилганмиз.

**Зулфизар МАМАДАЛИЕВА,**  
ЎЗДЖТУ талабаси



Эшитмалим, дсманглар!

## «Йиқилган» абитуриентларга яна бир имконият

Тест синовлари натижаси бўйича етарли балл тўплай олмаган ва оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентларга оширилган тўлов-контрактининг миқдори (баробари) кам бўлган таълим йўналишини танлаш имконияти берилди.

Бунда абитуриент тест топширган фанлар мажмуасининг (фан блокларининг ўрни) мослиги ҳамда унинг доимий яшаш жойи ва ҳужжат топширган олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд мезон сифатида белгиланди.

Аниқроқ айтганда, агар супер-контракт нархларига эътибор қилсак, бир-бирига яқин йўналишларнинг супер-контракт нархлари ҳар хил эканлигини кўриш мумкин. Масалан, қайсидир йўналишда 10 баробар, қайсидирда 15 баробар, яна бошқасида 20 баробар.

Энди шундай ўзгариш кирдики, супер-контракт 20 баробар қилиб белгиланган йўналишдан йиқилган абитуриент ўқитилиши 15 баробарли жойга кўчириши мумкин, деб ёздаги расмий манбааларга асосланиб xushnubbek.uz телеграмм канали.

## Тухфа

Бир неча кундан сўнг юртимиз бўйлаб Ватанимиз Мустақиллигининг 27 йиллиги кенг нишонланади. Айни кунларда вилоятимизда кутлуг байрам шукуҳи кезиб юрибди. Ҳар йили айём арафасида янги иншоотларнинг очилиши яхши анъанага айланган.


«ОНА ВУЖУДИДАЁҚ  
ГЎДАКНИ ҚИЛ ЭҲТИЁТ...»

Хусусан, Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқ маммуаси капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимиде туман ҳокимлиги, тиббиёт бирлашмаси мутасаддилари, шифокор ва ҳамширалар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашишди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида кейинги йилларда

соғлиқни сақлаш соҳасида кўламли ўзгаришлар олиб борилиб, бу жараёнда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, айниқса, она-бола саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Курилиш ишларида қарийб 5



## Мутахассис минбари

Яхши биламизки, бозор иқтисодиётининг бош мезонларидан бири рақобатдир. Муайян маҳсулотга бўлган талабни бир маромда ушлаб туриш, табиийки, тадбиркор учун ҳеч вақт осон бўлмаган.

САМАРАДОРЛИКНИНГ  
БОШ МЕЗОНИ

Бунга эришиш ишлаб чиқарувчидан муттасил изланишни, интилувчанликни талаб этади. Соддароқ қилиб айтганда, сотув баҳоси деярли ўсмаган ҳолда, таркиби, ҳажми, истеъмолга яроқлилиги, сифати ва бошқа мезонлари харидор фойдасига ўзгара бошлаган маҳсулотгина бозордан мустаҳкам ўрин ололади. Бугунги куннинг мана шу табиий ва ҳаётий талабига таяниб иш қўрган корхона асло ютқазмайди. Маҳсулот таннархини шакллантириш эса энергия ресурслари сарфи билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда 2018 йилга "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", дея ном берилишининг замирида ҳам мана шу муҳим омилларга эришиш кўзда тутилган, десак янглишмаймиз.

Бинобарин, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этишдан иборатдир. Бугун саноат тармоқларини ана шундай замонавий ва илғор технологияларга асосланган ҳолда модернизациялаш, уларни, айниқса, ёнгили-энергетика ресурслари сарфи борасида тежамкор ускуналар билан жиҳозлаш ички бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдириб бораётганда мамлакатимизнинг табиий бойликларида оқилона фойдаланиш имконини ҳам беради.



Афсуски, бугун кўпгина корхоналарда маънавий эскирган ва ностандарт қурилмалардан фойдаланиш, уларнинг назорат-ўлчов асбоблари билан таъминланмаганлиги, қўлбола газ ёндиргичларидан фойдаланиш, асбооб-ускуналарни қийсий кўрик ва соловдан ўтказмаслик натижасида табиий газнинг беҳуда исроф бўлиши ҳолатлари кузатишмоқда. Буни, айниқса, пишган гишт ишлаб чиқариш корхоналари мисолида кўриш мумкин.

Масалан, шундай корхоналарда печларнинг ёниш жараёнини автоматик тизимга ўтказиш орқали 2 фоизгача, маҳсулотни қуриштириш жараёнида керакли ҳароратни бир маромда бўлишини назорат қилиш билан 5 фоизгача, хом ашё таркибиде кўмир кукунларидан фойдаланиш орқали 10-12 фоизгача, хом гиштни қуруқ усулда тайёрлаш орқали 15 фоизгача табиий газни иқтисод қилиш мумкинлиги ҳисоб-китоблардан маълум.

Кези келганда, "Ўздавнефтегазиспекция"нинг Тошкент худудий бўлими мутахассислари бу борада тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларга барча зарурий кўмак ва тавсиялар беришга тайёр эканликларини таъкидлашни истардик.

**А. ИСАКОВ,**  
"Ўздавнефтегазиспекция"  
худудий бўлими бошлиғи  
вазифасини бажарувчи



млрд. сўмга яқин маблағ сарфланди.

– Янги муассаса туманимиз аҳолиси учун ажойиб тухфа бўлди, – дейди муассаса бош шифокори Гавҳар Орифжонова. – Мажмуамиз юз ўринга мўлжалланган бўлиб, тўлиқ замонавий тиббий жиҳоз ва анжомлар билан таъминланди. Жумладан,

янги операция столи олиб келингани айни муддао бўлди. Бундан ташқари, шифокорлар ва ҳамшираларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш учун барча қулайликлар яратилди.

Мазкур шифо масканининг ишга тушиши билан кўплаб соғлом чақалоқлар дунёга келиб, бахтиёр оналар сафи ортиб бориши аниқ. Зотан, буюк бобомиз Абу Али ибн Сино "Она вужудидаёқ гўдакни қил эҳтиёт, унга бир офат етмай, туғилсин у барҳаёт", дея бежиз айтмаган.

**Зухридин ҚАМБАРОВ**  
Равшан МИРЗАҚУЛОВ  
олган суратлар

## Партиялар ҳаётидан

## ИШ БИЛГАНГА ОМАД ЁР

О'zLiDeP вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан Оҳангарон шаҳар Маданият ва истироҳат боғида "Ишбилармон аёл – 2018" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



Дўстона рақобат остида кечган танловда туман ва шаҳар босқичларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритган 30 га яқин тадбиркор, фермер,

хунараманд хотин-қизлар ўзaro беллашдилар.

Яқунда 1-ўрин Янгийўл шаҳри "Сабина-Назар-Кутюр" МЧЖ раҳбари Сабина Абдуназаровага, 2-ўрин "Ангрен Этнод Шарқ" МЧЖ раҳбари Муҳайё Алиева ва Бекобод шаҳридаги "ZULFIYA-BONU-CHEVAR" хусусий корхонаси раҳбари Ўғилжон Мирзамуротовага, 3-ўрин эса Оҳангарон шаҳридаги "Покизахон" ўқув маркази раҳбари Муаттар Баҳодирова ҳамда Бўқа тумани "Муштарий Сайёраси" хусусий

корхонаси раҳбари Сайёра Тошматовага насиб этди.

Шунингдек, танловда "Замонавий тадбиркор аёл портрети", "Йилнинг муруватли ишбилармон аёли", "Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантираётган фермер аёл", "Ташаббускор аёл", "Битирувчи қизларга энг кўп иш ўрни яратган ишбилармон аёл" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар партия ва ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**М. ЖАМОЛДИНОВА,**  
О'zLiDeP вилоят кенгаши  
бўлими мудири

БОҒЧАНИНГ ТАОМИ  
УЙНИКИДАН ТОТЛИ БЎЛСИН

Тошкент туманида ташкил этилган маҳорат дарсида ҳудуддаги мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган бош ошпазлар қатнашдилар.

## Маҳорат дарси

Семинарнинг биринчи қисмида Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси экспертлари Тилибжон Умаралиев ҳамда Гулнора Абдужалилова мактабгача таълим муассасаларида кичкинтойларнинг соғлом овқатланишини ташкил этишда меъёрий талабларга эътибор бериш, эрталабки нонушта, тушлик ва кечки чой учун кўпроқ қандай таомлар тайёрлашни кераклиги ҳақида атрофича тушунча бердилар.

Экспертлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Ошпазлар уюшмаси, Соғлиқ-

ни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда "Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш таомномаси" чоп этилганини таъкидлаб, унда бола организмиз учун зарур бўлган оксил, углевод, калий, кальций ва турли дармондориларга бой 24 номдаги маҳсулотнинг меъёрий даражаси ҳам кўрсатиб ўтилганига йиғилганлар эътиборини қаратдилар.

Тадбирнинг амалий машғулот қисмида ошпазлар бир кунлик намунавий таомнома асосида суюқ, қуюқ таомлар билан бир-



га, ширинликлар тайёрлашни ҳам кўрсатиб бердилар.

Маълумот ўрнида шуни алоҳида айтиб ўтмоқчимиз. Яқинда "Йилнинг энг яхши боғча ошпази" танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз ошпазлари учинчи ўринни қўлга киритишди.

Семинар якунида мактабгача таълим муассасаси ошпазлари назарий ва амалий машғулотларни таҳлил қилиб, бир ҳафтalik ўқув машғулотни ташкил этишга келишиб олишди.

**Аллома АЗИЗОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири

БАЙРАМНИ  
ХОТИРЖАМЛИҚДА  
ЎТКАЗАЙЛИК

Янгийўл тумани "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинида "Огоҳлик – давр талаби" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги ҳарбий қисм ходимлари, аскарлар, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

## Агар огоҳ сен...

Тадбирда сўз олганлар кутлуг байрам арафасида ҳар биримиз янада огоҳ бўлишимиз, маҳаллада нотаниш ва шубҳали инсонлар пайдо бўлса, зудлик билан керакли жойларга мурожаат қилиш зарурлиги алоҳида тўхталишди.

Шунингдек, ёшларни диний экстремизм, гиёҳвандлик ва одам савдоси қурбонлигига айланиб қолишдан сақлаш бугуннинг долзарб вазифаси эканлиги таъкидланди. Бу борада аввало, ота-оналар, қолаверса, таълим-тарбия масканлари педагогик жамоаларининг масъулияти яна бир бор эслатиб ўтилди.

– Мазкур учрашув одамларни хушёрликка қорлаш ва байрамни тинчлик-хотиржамликда ўтказиш мақсадида ташкил этилди, – дейди ҳарбий қисм хизматчиси А. Аҳмедов. – Бундай учрашувлар маҳалла билан ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Давра суҳбати давомида мавзуга оид видеофильм намоиши этилиб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Хусан САЙНАЗАРОВ,**  
ҳарбий қисм  
хизматчиси

**Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 августдаги "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори қабул қилинган, орадан ўтган вақт давомида қандай ишлар амалга оширилди?**

Ёдингизда бўлса, муҳтарам Президентимиз ўтган йил 3 август кунини юртимиз ижодкор-зиёлилари билан бўлган учрашувда бугунги киноларимиз билан боғлиқ фикрларини баён этар экан, бизнинг "Тошкент ҳақиқати" газетамизда эълон қилинган мавзуга доир мақолани ҳам алоҳида таъкидлаб, халқимизнинг тарихий киноларга бўлган эҳтиёжи ҳали-ҳануз қондирилмаётганига урғу берган эдилар: "Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи бўлсак, шу асосда Ўзбекистон номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда, кино санъати орқали амалга оширишимиз керак".

Таъбир жоиз бўлса, ўтган қисқа давр шу муддаонинг ижобатига одамларни ишонттира бошлади, дейиш мумкин. Ҳар ҳолда, "Ўзбекино" миллий агентлиги киностудияларида ишлаб чиқарилаётган тарихий ва замонавий мавзудаги бадий, шунингдек, ҳужжатли ва мультимедияцион фильмларнинг ҳажмини ошириб бориш ва сифат жиҳатидан юксак даражага кўтариш бўйича тадбиқ этилаётган чоралар мавзuidaги матбуот анжуманида иштирок этиб, шунга амин бўлди.

"Ўзбекино" МА Бош директори Фуқрат Зокировнинг таъкидлашича, бу йилги танловларда олдингилардан фарқли ўларок, тарихий мавзу-

лардаги кинолойиҳалар салмоқли ўрин эгаллади. Бадий кенгаш томонидан тасдиқланиб, ишлаб чиқаришга туширилган "Имом Абу Исо Термизий", "Элларвар", "Берлин – Оксфорд", "Испом-хўжа", "Саид ва Саида"

## «O'zbekino»:

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР  
ЧАККИМАС

каби тарихий мавзудаги бадий ва бадий публицистик фильмлар, шунингдек, Абу Муъин Насафий, Баҳоруддин Нақшбанд, Хожа Абдулоҳиқ Ғиждувоний, Абдурахмон Жомий сингари буюк алломаларнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар биринчи суратга олиниб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Яқин орада турли мавзу ва

нини эътироф этди. Унда нафақат миллий кинематографиямиз, балки чет эл киносанъати тажрибалари ҳам кенг ёритилади.

Тадбир давомида анжуман иштирокчиларига суратга олиш жараёни ақиндагина ниҳоясига етган "Испом-хўжа" бадий-публицистик фильми тақдими бўлиб ўтди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири

## Ижтимоий эълон

Хўжалик юритувчи  
субъектлар диққатига!

Юридик макомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 1-K shakli ойлик (Ташкилот фаолияти тўғрисида) ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2 санасидан кечиктирмай тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирма ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан ташқари), уларнинг алоҳида бўлиналари ва нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича) eStat 2.0 автоматлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон қўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. Давлат статистика қўзуатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини нотўғри қўратиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2018 йил давомида юқоридаги давлат статистика ҳисоботини ҳар ойда тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати бошқарманинг [www.toshvilstat.uz](http://www.toshvilstat.uz) расмий веб сайтига жойлаштирилган.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

## Реклама ва эълонлар

Корхона, муассасалар  
раҳбарлари ва Тошкент вилояти  
аҳолиси диққатига:

Тошкент вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 22-сонли қарорига асосан газ таъминоти ташкилоти белгиланган муддатларда, тасдиқланган жадваллар ва тарифлар бўйича, истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газда ишловчи қурилмалари ва ускуналарини пулик техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактик хизмат кўрсатиш белгиланган қўйилганини маълум қилади.

Газ таъминоти ташкилоти ходимига ички газ тармоқлари, газда ишловчи қурилмалар ва ускуналарга белгиланган тартибда техник хизмат кўрсатиш ҳамда тафтишдан ўтказиш хизматлари учун ҳақ тўлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон қарорига асосан давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган тўлов варақасини талаб этишни унутманг!

# Тотувлик насими

Ўзбекистон — Тожикистон давлатларaro дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичга кўтарилиши муносабати билан

Айтиш эй, тотувлик насими эссин,  
Олис мезиладан муждалар келгай.  
Ўзбекка дўст бўлган тожикни десин,  
Тожикика биродар ўзбекни дегай.

Ҳамсоянг тинч — сенга ҳаловат ёрди,  
Ўзгорта баракка, кўрғонинг ҳам бут.  
Токи "Ассалому алайкум" бирдир,  
Токи "Ва алайкум ассалом" собит.

Эт билан тирноқни ажратиб бўлмас,  
Шукур замин битта, битта осмон ҳам.  
Қўшининг нотинч бўлса уйқунг ҳам келмас,  
Турфа қутқулардан зада замон ҳам.

Кимдир ўнг қирғоқимиз, кимдир сўл қирғоқ,  
Абад ўртақликда оталар дарё.  
Аждодлар даъвати бизларга сабоқ:  
Сув билан ҳавони талашманг, аё!

Боболар панжаси тошларда муҳр,  
Дашту доволарда оталар изи.  
Ҳар кимнинг амали мангалайду зухур,  
Ҳар кимнинг бошида ўзин юлдузи.

Оққан дарё оққан, оқмоқда, шукур,  
Қўнға ўзларда жўш ураб ҳаёт.  
Қирғоқда янраган, абад янраёт,  
Ўзбекча яллаю, тожикча баёт.

Тарихан бўйимиз Тиёнонча бор,  
Қалбимиз Қизилқум тафтидан иссиқ.  
Меҳмон келса жонни тўшаймиз тақдор,  
Ёв келса қўқисига нафратдан санчик.

Ўзбек тилида ҳам, тожикчи суҳан,  
Жаҳонга сўз айтдик дадил, расман биз.  
Шукур ёнма-ёнмиз, шукур жонма-жон,  
Шукур, битта замин, битта осмонмиз.

Дунё тарихида забардаст зотлар,  
Тутганлар бир ялов, битта байроқни.  
Ўзбекдир, тожикдир бу рамзий отлар,  
Унутмайлик асло олий сабоқни.

Бирдек ҳаёт берган бизга дарёлар,  
Бир бўлган тоғимиз, қояларимиз.  
Қўл очинг, ижобат бўйсин дуолар,  
Бир бўлсин мақсаду гоҳларимиз.

Нуралӣ ЖАЛИЛ  
Бекобод

## БУ ЮРТНИНГ ҲАР МУШКУЛИ СИЗУ БИЗГА ТАНМАСМИ, ЎЗБЕКИСТОН — ЖОН ҚАДАР СҮЙГҲДАЙ ВАТАНМАСМИ?!



Яъни, аввало, бу йил танловда иштирок этиш истагини билдирган ижодкорлар ва улар ҳайъатга тақдим этган ишлар сони аввалги йилларга нисбатан салмоқли бўлди. Қолаверса, танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим учун қўшилган тўхфа ҳозирланди.

Ҳап шундаки, бундан бир муддат аввал Оҳангарон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида тадбиркор Шавкат Комилов томонидан 800 ўринли замонавий амфитеатр қурилишига киририлганди. Не бахти, "Энг улуг, энг азиз" танлови вилоят бошқисини ғолиблари ва уларни қўллаш учун йилгиланлар мазкур кўркам маданият мажмуасининг илк фахрий меҳмони бўлдилар. Танлов ғолибларини

тақдирлаш маросими худди шу амфитеатрнинг очилиш маросими билан бошланди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Уктам Ҳамроев, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева ва бошқалар халқ билан доимий мулоқоти йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, тинчлик-осойишталик ва ҳавфсизлик, миллатларaro тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг маз-

мун-моҳиятини замондошларимизга етказишда мазкур танловнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоят ошиб бораётганини таъкидладилар. Оҳангарон аҳлини муҳташам амфитеатр мажмуаси билан самимий қўлладилар.

Тақдирлаш маросимининг ҳаяжонли лаҳзалари бошланди. Танлов ғолибларига махсус диплом ва вилоят ҳокимлиги ва танлов ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Унга қўра, публицистика йўналишида Урта Чирчиқ тумани "Машъал" газетаси муҳбири Отабек Исроиллов, "Халқ сўзи" газетасининг Тошкент вилояти бўйича махсус мухбири Раҳматилла Шералиев ҳамда жамоамиз аъзоси — "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари бош муҳаррири ўринбосари Сергей Мутин

ғолиблар қаторидан жой олишди.

Тасвирий санъат, фото, дизайн йўналишида бўстонликлик моҳир мусаввир Жасур Жумаев, "Правда востока" газетаси фотомухбири Рашид Галиев, эркин дизайнер Миронус Юсуповлар ижодий ишлари юқори баҳолангани эълон қилинди.

Бадий ижод йўналишида эса ғолиблик "Савти сарвиноз" китоби учун чирчиқлик ёзувчи Неймат Арслонга, "Ари чакди Валини" номли болаларга мўлжалланган шеър йўналишида эълон қилинди.

Бадий ижод йўналишида эса ғолиблик "Савти сарвиноз" китоби учун чирчиқлик ёзувчи Неймат Арслонга, "Ари чакди Валини" номли болаларга мўлжалланган шеър йўналишида эълон қилинди.

Тантанали кеча санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Одилов Тажиев, Оҳангарон шаҳар ҳокими Одилов Жўраев иштирок этди.

Алишер РАҲМАТОВ  
Рашид ГАЛИЕВ,  
Нозим АБДУЛЛА  
олган суратлар

— Сизни яқиндан билганлар кўнгилчан инсон, дейишади. Рингга кўтарилган вақтларингизда характерингиздаги бу жиҳатлар билан қандай мурося қилгансиз?

— Боксда довюрак, ақлли спортчи галаба қозонади. Сиз мени яқиндан таниган-билганлардан табиатимни сўраб-суриштириб кўнгилчан инсон, рақибига ачинган, раҳми келган бўса керак, деб ўйлагандирсиз? Ёки бўлмаса, бу одатини жанг вақтларида қандай четга сура олди экан, деб ажаблангандирсиз? Очигини айтмай, бу спорт турининг ўзига хос қоидалари бор. Унга қатъий амал қилишга мажбурсиз. Шунинг учун ҳам рингга чиққингми, кўнгилчанликни йиғиштириб қўйиш керак. Жангларда жуда катта зийраклик талаб этилади. Ҳар доим рақибга жиддий эътибор бериш, унинг ҳаракатларини ниҳоятда тез ўзлаштириб олиш, нозик томонларини пайқай би-лиш шарт.

— Фаолиятингиз давомида энг кучли рақибингиз ким бўлган ва у билан жангларингиз қандай кечган?

— Боксдаги бутун фаолиятим давомида энг кучли рақибим украинлик боксчи Анатолий Климанов бўлган. У анча маҳоратли, ўзига хос техникага эга эди. У билан олти марта рингга чиққанман. Ҳисобимиз 3:3 бўлган. Еттинчи жангда у рингга чиқмаган, касал бўлдим, деб баҳона қилган.

— 1976 йил Монреалда ўтказилган XXI ёзги Олимпия ўйинларидан кейин боксдаги фаолиятингизни тугатгансиз. Ўша вақтлар 27 ёшда эдингиз. Нима сабабдан бокс билан эрта хайрлашгансиз?

— 1974 йили Кубада бўлиб ўтган ҳаваскорлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дастлабки учрашувда чап қўлимни, иккинчисида ўнг қўлимни, учинчисида яна чап қўлимни синдирганман. Жароҳатланган қўлларим ҳали битмасдан туриб, 1976 йил Монреалда ўтказилган XXI ёзги Олимпия ўйинларининг финалида жаҳон чемпиони Майкл Спинксга қарши рингга чиқдим. Украинада, Венгрияда ўтган мусобақаларда қўлларим жароҳати битмаганди. Агар даволанганимда, мусобақада ғолибликни, албатта, қўлга киритардим. Шундан кейин умуман боксдан ташлашга қарор қилдим. Шу-шу, рингга қайтиб чиқмадим. Ўзимча баъзан ўйлаб қолам. Қўлларим олти жойидан синган. Менга ўхшаб жароҳати бўлса-да, рингга чиқиб, муносиб жанг қилган боксчи бормикан ўзи? Лекин энг афсусларни жихати нимада биласизми? Боксдан кетиб ниҳоятда азобландим. Ҳар томонлама оғир бўлди. Ўзимга муносиб иш топишга жуда қийналдим... Ўша кунларни эс-лашининг ўзи оғир...

— Назаримизда, боксчининг энг катта бахти бу халқнинг ҳурмати, эътироби бўлса керак. Мамлакатини мустақиллиги туфайли Сиз "Буюк хизматлари

учун" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари билан тақдирландингиз, Олимпия шон-шухрати музейида фаолиятингизга бағишланган алоҳида бўлим ташкил қилинди. Бу, албатта, ҳар қандай спортчи-га насиб этавермайди. Энг муҳими, одамлар сизни танийди, ҳур-мат қилади...

— Ҳозир бу ҳақда гапиришни истамайман. Тўғриси, бокс ҳақида гапиришдан умуман чарчаганман. Мана, аҳолим ўзимга маълум. Пенсионер одамман, бунинг устига биласиз, 2016 йилнинг сентябрь ойида қомага тушиб, оғир бего бўлдим. Ўнг оёғимнинг тиззадан пастини кесиб ташлашди. Тақдирда бу ҳам бор экан, лекин Худога шуқр, ёшлигим яхши ўтди. Бориға шуқр қиламан. Раҳматли ойи жоним доим ўғлим яхши кунга ҳам, оғир кунга ҳам шуқр қил,



## ЮРТ ШАЪНИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ЭНГ КАТТА БАХТ

бўтун ҳаётим ана шу бокснинг ичида ўтган. Маҳтаниш эмас, мамлакатимизда бокснинг менчалик яхши биладиган одам йўқ. Бизда бу борадаги мактабнинг пойдевори мустаҳкам. Боксда ҳам ҳар хил "ўйинлар" қўп бўлади, лекин биз ҳалол галаба қозонганмиз. Боксчиларимиз эришган ютуқлар ўз-ўзидан бўлган эмас, мактабимиз кучли.

Бугун бир гапни қалбимда катта қувонч билан айтман: Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Қарори мустақил Ўзбекистон тарихида кузатилмаган тарихий ҳужжат бўлди. Унда белгиланган хайрли, эзгу ишлар жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг жаҳонимиз ҳаётидаги ролини янада кучайтиради. Юксак натижаларга эришган спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари меҳнатини муносиб рағбатлантириб борилаётгани эса нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчиларимиз сафини тобора кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Боксчиларимизга чин дилимдан омад тилайман. Улар учун яратилган шароитлар, берилаётган мукофотлар бизнинг тушумизга ҳам қирмаган. Мукофот яхши, аммо Ватан шаънини муносиб ҳимоя қилиш — энг катта мукофот, энг катта бахтдир!

— Спорт туфайли дунёнинг 35 га яқин мамлакатда мусобақаларда, халқаро миқёсдаги учрашувларда иштирок этдим. Ҳар бир мусобақага борганимда онамни жуда соғинардим. Меҳрибончилиқни ёдимга тушарди. Шунда кўз ўнгимдан онам, уйимиз, маҳалламиз ўтарди. Буларнинг бари мен учун янада қадри бўлиб кетарди, ўша вақтлар. Биласизми, мана шулар кўз ўнгимда катталлашиб, бутун бир мамлакат қўёғасига қиради. Бу эса Ватанга бўлган муҳаббатни янада оширар экан.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимиз боксчилари тобора катта галабаларга эришмоқда...

— Шу ҳақда гап кетса, ўйланиб қолам: нега собиқ Иттифок даврида истеъдодли спортчиларимиз халқаро мусобақаларда қатнашиши жуда қийин кечган? Нима, асрлар давомида жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Бериуний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби ўнлаб алломалар, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингари буюк саркардалар, кураги ерга тегмаган Пахлавон Маҳмуддек полковларни тарбиялаган халқ бирданига истеъдодсиз бўлиб қолган эди-ми? Йўқ, албатта! Бизда азал-азалдан истеъдодлар қўп бўлган. Бунинг олимпиядасида галаба қозонган ёшларимиз яна бир бор исботлаб берди. Мен ким, қанақа, нимага қодирлигини биламан, кўраман. Ёшим 15 да эмас. Чунки

Бошланғич 1-бета

Бошланғич 1-бета

Унинг асли исми қанақалигини, ўзи қаерда ишлаганини биров аниқ билмайди. Таниган ҳам, танимаган ҳам уни Қўлдошчи, деб қақиради.

Шу Қўлдошчи кўпдан бери қурилиш трестига қарашли тахта омборига суқилишни ният қилиб юрарди. Кўп уриниб кўрди, эпложмади. Трест бошлигини танимаса, унга нима деб учрашарди. Бир-икки марта юрак ютиб трестга борди. Қараса, бошлиқ қовоғи солиқ, гапни қисқа қилдиган одам.

Ундан ёруғлик чиқишига ишонмаган Қўлдошчи тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди. Барини кўнгли ўлгур тахта омборида. Нима қилиш керак?

Яна трестга борди. Бошлиқ келадиган пайтни мўлжаллаб туриб, унга куюқ салом берди. Бошлиқ одати бўйича бошини кўтармай алик олиб, ўтиб кетди.

Ҳажвиётимиз хазинасидан

## ҚўЛДОШИЧ

шиб гугурт ёқиб, унга тутди. Бошлиқ яна бошини кўтармай раҳмат айтиб, қириб кетди.

Бу қандок бўлди? Ким салом берганини, ким гугурт қаққанини билмади-я!

Қўлдошчининг ҳафсаласи бутунлайгана пир бўлди. Орадан анчагина вақт ўтиб, бир воқеа унинг жонига оро кирди-ю, яна ғимирлаб қолди.

Бошлиқ аллақандак командрошқада эди, жияни ўлиб қолди. Қўлдошчининг жияни қаерда туришини бировлар-

дан суриштириб, азонлаб етиб борди. Ҳаммага бош-қош бўлиб, белини боғлаб, кўз ёши қилиб, келган-кетганларга патнис ташиб юрди.

Бошлиқ жиянини ҳам унутиб унга югурди. Уч кишилашиб кўтаришганча нариги уйга кўтариб кириб ётқизилди. Икки киши бараварига елпиша кетди. Бошлиқнинг ўзи унга қайноқ-қайноқ чой тутди. Жаноза тугаб, Қўлдошчининг бошлиқ мажнисида уйига обориб қўйди. Бир ҳафтагача ҳар кун қатнаб, ҳолидан хабар олиб турди...

Омборго мудар бўлиши, бе, шу ҳам ишми, ҳозир Қўлдошчи трест бошлигининг шахсан ўзига биринчи ўрин-босар.

— Жиянчадан жуда бўлиб қолдик, — дейди. Кейин қўлидаги чойнакни тушириб юборди-ю, "оҳ" деганича ўзини йўлнинг ўртасига ташлади. Кўнгли кетди.

Бошлиқ жиянини ҳам унутиб унга югурди. Уч кишилашиб кўтаришганча нариги уйга кўтариб кириб ётқизилди. Икки киши бараварига елпиша кетди. Бошлиқнинг ўзи унга қайноқ-қайноқ чой тутди. Жаноза тугаб, Қўлдошчининг бошлиқ мажнисида уйига обориб қўйди. Бир ҳафтагача ҳар кун қатнаб, ҳолидан хабар олиб турди...

Омборго мудар бўлиши, бе, шу ҳам ишми, ҳозир Қўлдошчи трест бошлигининг шахсан ўзига биринчи ўрин-босар.

Санд АҲМАД



Индонезияда Осиё ўйинларининг футбол беллашувлари бошлаб юборилди. "Б" гуруҳдан жой олган терма жамоамизнинг дастлабки учрашуви Бангладешга қарши ўтказилди.

Жакарта шахрининг "Пакансари" стадионида ўтган бахсда футболчиларимиз рақибларидан ҳар жабада кучли эканлиги яққол сезилди. Ўйин тўлиқ вақтларимиз устунидаги ўтиб, 3:0 ҳисобида галаба билан якунланди.

Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси иккинчи ўйинда Қатар билан куч синашиб, йирик ҳисобда зафар қучди. Осиё чемпиони бўлган жамоамиз мусобақада яққол фаворитлардан бири эканлиги ушбу бахсда ҳам ўз тасдиғини топди.

## КЕЙИНГИ БОСҚИЧ ЙўЛЛАНИМАСИ ҚўЛИМИЗДА!

Мазкур учрашув ҳам футболчиларимизни фаоллиги билан бошланди. Илк ҳисоб 38-дақиқада очилди. Орадан 5 дақиқа ўтиб, Икром Алибоев жарима зарбасини аъло даражада бажариб, ҳисобни 2:0 қўриқинишга келтирди.

Иккинчи бўлим Ўзбекистон олимпиячиларининг гол-поя терма жамоаси иккинчи ўйинда Қатар билан куч синашиб, йирик ҳисобда зафар қучди. Осиё чемпиони бўлган жамоамиз мусобақада яққол фаворитлардан бири эканлиги ушбу бахсда ҳам ўз тасдиғини топди.

ни таблога ёздириб қўйди. Ўйиннинг 54-дақиқасига келиб, қатарлик дарвозабон бирга бир вазиятда футболчиларимизни қўполлик билан тўхтатди. Жалолиддин Машарипов пенальтини аниқ амалга ошириб, жамоамизнинг 5-голига муваффиқлик қилди.

Кетма-кет голлардан сўнг ўзини йўқотиб қўйган рақиб футболчилари умуман ҳужумга ўтмай қўйилди. Тўп ҳужум чизигига эмас, вақат орқага узатилаверган вазиятлардан бирида ҳимоячи панд берди — бу хатони Бобир Абдухаликов кечирмади: 6:0. Мазкур галабадан сўнг, вақтларимиз муддатидан олдин кейинги босқичга йўлланма олишди.

Ўз муҳбири

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг навбатдаги сони 21 август, сешанба куни чиқади.

|                                                                                                                   |                                                                                                                                 |                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b><br/><b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b></p> <p>Муассис:<br/><b>ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКМИЛИГИ</b></p> | <p>Бош муҳаррир<br/><b>Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</b></p> <p>Ҳафтининг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.<br/>12 090 нусхада чоп этилди</p> | <p>Қабулхона:<br/>Бош муҳаррир ўринбосари:<br/>Масъул котиб:<br/>Бўлим муҳаррирлари<br/>Шартнома ва эълонлар:<br/>Ҳисоб-китоб бўлими:</p> <p>233-58-85 (факс)<br/>233-70-10<br/>233-12-83<br/>233-38-23, 233-48-08<br/>233-65-59<br/>233-54-10</p> | <p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета "Тошкент ҳақиқати" тахририяти компьютер марказида терилди ва оператор Т. Махмудов томонидан саҳифаланди.</p> <p>Навбатчи муҳаррир<br/><b>Абдусалим МАҲМУДОВ</b></p> <p>Юлдухон МУҲИДИНОВА<br/>Назоратчи мусоҳҳиҳ<br/><b>Аллома АЗИЗОВА</b></p> |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Манзил: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: taqiqat@umail.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-2207. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қўғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топширилган вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.15.